



ЖАДИД АЛЛОМА - МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХООНОВНИНГ МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАСТУРИ

Маҳмудова Гули Тилабовна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети,
“Фалсафа ва мантиқ” кафедраси, фалсафа фанлари доктори,
профессор

тел. 90-358-25-51

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7836244>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-april 2023 yil

Ma'qullandi: 15-april 2023 yil

Nashr qilindi: 17-april 2023 yil

KEY WORDS

Туркистон, Уйғониш,
жадидчилик, маърифат,
маориф, миллат, озолик,
мустақиллик, усули жадид.

ABSTRACT

Мақолада XIX асрнинг II ярмидан бошланган Туркистондаги жадидчилик ғоявий йўналишининг, миллий мустақиллик, маънавий юксалиш, жаҳон цивилизацияси эришган муваффақиятлардан халқни бахраманд этиш, инсон эрки ва камолоти бўйича ҳаракатларда ўз ифодасини топган йирик маърифий оқимнинг, асримиз бошларида йирик ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик йўналиш касб этганлиги ҳақида фикр юритилади. Жумладан, жадид аллома Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг маърифатпарварлик ғоялари унинг фалсафий-ижтимоий қарашлари кесимида таҳлил этилган.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Айни пайтда халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш давлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа муддатларда эришилган улуғ марралар бутун жаҳон аҳлини лол қолдиради. ... Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос Уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ана шунда» [1.5].

Зеро жадидчилик маърифий ҳаракатининг асосий ғоявий йўналиши Туркистоннинг мустақиллиги ва маънавий юксалиш, жаҳон цивилизацияси эришган муваффақиятлардан халқни бахраманд этиш, инсон эрки ва камолоти бўйича ғамхўрликда ўз ифодасини топган Миллий Уйғониш даврини белгилайди. XIX асрнинг II ярмидан бошланган маърифий ҳаракат асримиз бошларида йирик ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик йўналиш касб этди. Жадидчилик фалсафаси маърифатпарварлик ғояларини ўзининг илк қадамларидан тортиб, сўнгги дақиқаларигача байроқ қилиб олди на уни мунтазам равишда ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилди. Жадидчилик фалсафасининг асосий мазмуни қуйидаги йўналишда амал қилди: замонавий билимлар билан қуролланган инсонни вояга етказиш; мамлакат озодлиги ва мустақиллигига эришиш; маърифат ва маънавиятни юксалтирмақ учун мактаб ислоҳотини ўтказиш; маҳаллий халқлар учун янгилик бўлган замонавий театр муаммоларини назарий ва амалий ҳал қилиш; адабий тил ва ижодий-бадий жанрларни бойитиш; миллий ахлоқий-

эстетик тафаккурнинг анъанавий ва янги қатламларини ривожлантириш. Туркистон маърифатпарвар-жадидлари орасида Беҳбудийдан кейинги йирик сиймо, адиб ва педагог Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931) эди. Унинг адабий ва педагогик фаолияти, шахси ва қисмати хусусида яқин-яқинларгача фақат танқидий фикр билдирилди. Унинг Туркистон халқлари фалсафий тафаккур тарихидаги ўрни камситилди. Аниқроғи, инкор этилди. «Шарқ юлдузи» журналининг 1992 йил 5-сонидан эълон қилинган Сирожиддин Аҳмаднинг «Мунаввар қори» эссеси бу улкан маърифатпарвар ҳақида биринчи одилана фикр билдирилган тадқиқот бўлди. «Мунаввар қори, - деб ёзади Сирожиддин Аҳмад, - исми жисмига монанд, маънавияти савиясига хос инсон, асримизнинг биринчи чорагидаги халқимиз учун фалокатли йўлларда «Мен сендаман, сен мендасан» ҳикматига мувофиқ элимиз, миллатимиз қалбига маърифат ва озодлик, эрк ва хурлик нурини сочиб, ҳаётнинг серташвиш йўллари мунаввар қилишга интиланган аллома эди» [2, 105].

Мунаввар қори мударрис оиласида Тошкент шаҳрининг Шайх Ҳованд Тохур даҳасининг Дархон маҳалласида туғилди. Отасидан етти ёшида етим қолган Мунаввар қори онасининг қўлида хат-саводли бўлади, сўнгра Юнусхон мадрасасида таҳсил олиб, Бухоро мадрасаларидан бирига ўқишга боради. Отасиз ва моддий ёрдамсиз Бухорода узоқ ўқий олмаган Мунаввар қори Тошкентга қайтиб Дархон масжидида имомлик вазифасини ўтай бошлайди. Тошкент маърифатпарварлари орасида «усули жадид» мактаблари моҳияти ва аҳамиятини тўғри тушуниб, уни маҳаллий миллат болалари ҳаётига олиб киришга ҳаракат қилганлардан бири ва сўнгра бу ҳаракатнинг йўлбошчиларидан бўлиб қолган Мунаввар қори фаолиятида кескин бурилиш содир бўлади. Мунаввар қорининг маърифатпарварлик билан йўғрилган фалсафий тафаккурининг шаклланишида Исмоил Гаспринский бошчилигидаги Бокчасаройда нашр этилган «Таржимон» журналидан ташқари, Татаристонда босилган «Вақт», «Юлдуз», Истанбулда чоп этилган «Сироти мустақим» («Тўғри йўл») мажалласи ҳамда, ислом мамлакатларида кенг тарқалган дунёвий таълимот, қарашлар жуда катта роль ўйнади. Мунаввар қорининг ижтимоий-фалсафий қарашлари, асосан, уч йўналиш ва мақсадни амалга оширишни ўз ичига олади. Биринчидан, Мунаввар қори ўз саводини қадимги мактаб ва мадрасаларда чиқаргани учун бу ердаги ўқув тизимининг замон талаблари ва миллий манфаатлардан орқада қолганини ўз кўзи билан кўрган эди. Бинобарин, бу мактаб ўқув тизимини ислоҳ қилиш заруриятини чуқур англаган ва уни янгилашни «усули жадид» шакллари пайдо бўлганидан қувонган ҳолда, янги маърифатпарварлик ғояларини ҳимоя қилмай ва амалга ошириш йўлида курашмай иложи йўқ эди; иккинчидан, чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини чуқур ҳис этган ва бу сиёсатни амалдаги ифодаси маҳаллий миллат болаларини ўқиш-ўқитиш тизимига мустамлакачиларнинг усталик билан қаршилик қилаётганини кўрган Мунаввар қори яна бир бор маърифатпарварлик ғояларини илгари суришни ўзининг асосий маънавий-инсоний бурчи деб билди; учинчидан, ҳам яширин, ҳам ошкора Туркистон мусулмонларини рушлаштириш тенденцияси бошланган эди. Бу тенденцияни қандай оқибатларга олиб келиши ва пировардида халқ ва миллатни, Ватан ва замонни поймол этиш даражасига етишини ҳис қилган, кўрган ва идрок этган Мунаввар қори каби алломалар «усули жадид» мактабларининг миллат онгини шакллантирувчи, уйғотувчи катта бир ижтимоий-маърифий омил деб билдилар. Агар мустамлакачилар бошлаган «рушлаштириш» сиёсати

қаршиликка учрамаса, тобора рус-тузем мактаблари кўпайиб, мактаб ва мадрасалар ё эски ҳолатда сақланиб қолса, ё «усули жадид»ларга йўл берилмаса бора-бора миллатнинг йўқ бўлиб кетиши табиий эди. Ана шундай мураккаб ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳитда Мунаввар қори рус-тузем мактабларига қарама-қарши миллий онг ва миллий гурурни кучайтирувчи, ёшларнинг кўзини очиб, дунёни куришга рағбатлантирувчи «усули савтия» мактабларини очишга бел боғлайди. У

биринчи марта мактабни ўз ҳовлисида ташкил этади. 1901-1904 йилларда Мунаввар қори қримлик дўсти Расим Кашод билан ҳамкорликда Тошкентда қатор «усули савтия» мактабларини очишга муваффақ бўлади. «... Шайх Ҳованд Тохур даҳалик Мардахўжабойнинг меҳмонхонасида мактаб очиб, бир-икки йилдан бери Абдусалим қори деган бир киши бола ўқитиб турмоққа бўлғонин айтдилар..... Бу янги тартиблик мактабларнинг бу Тошкент шаҳрида жорий бўлиб кетишига биринчи сабаб Мунаввар қори бўлиб, барчасининг программини шул тузуб берган» [3, 245]. Бир томондан дин пешволари «куфр» деб эълон қилган, иккинчи томондан, мустабид мустамлакачилар қаршилик кўрсатган, учинчи томондан, халқ оммаси ҳали кўрқув ва эсанкираш исканжасида турган замонда Мунаввар қори янги «усули савтия» мактабларига миллат истиқболини белгиловчи, келажакда мустақиллик дунёсига дадил қадам ташлайдиган кишиларнинг онгини уйғотувчи маърифат ва маданият маскани, деб қаради. Мунаввар қори мактабнинг довуғи ва йўналишини унда ўқиган ва таълим олган Ҳамза, Қаюм Рамазон, Ойбек, Маннон Уйғур сингари ўзбек маданияти ва эстетик тафаккури тарихидан муносиб ўрин олган шахслар фаолияти билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Мунаввар қори Туркистонда мактаб очиб, у ерда маҳаллий миллат болаларини янгича ўқишга жалб этиш билан чегараланиб қолмади. У масалага кенг ва чуқур қаради, замонавий билим олмоқ учун хорижий мамлакатларга бориб ўқиш афзаллигини тушуниб етди. Бунинг учун хоҳишдан ташқари, яна маблағ ҳам керак эди. Унга ҳам Мунаввар қори илож топди. У «Турон» жамияти аъзолари ва маҳаллий бойларни бир жойга тўплаб, улардан кўмак олишга ҳаракат қилди. Ана шу жамиятнинг аъзоси Абдурахмон Акбаров хотирлайди: «Тўдадаги жадидларнинг бош раҳбари бўлган Мунаввар қори бир куни тўданинг мажлисига келиб: «Зиёли ёшлардан бир нечтасини Германияга юбориб ўқитиш керак», деб узоқ нутқ сўзлайди... Яна бир йиғинда Мунаввар қори: «Ўзбек зиёли болаларини Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатига катта хизмат қила оладилар» деган [2, 107-108].

Мунаввар қорининг маърифатпарварлик фаолияти фақат мактаб очиш ва болаларни чет элда, Русия шаҳарларига юбориб ўқитиш режаларини тузиш билан чекланмайди. У адиб ва олим сифатида бадиий ҳамда илмий-педагогик асарлар яратди. Уларда Мунаввар қорининг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик қарашлари ўз инъикосини топган. 1907 йили Мунаввар қорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», «Ер юзи» («Жуғрофия»), «Ҳавойижи диния» китоблари чоп этилади. «Сабзозор» мажмуасида Камий, Ҳислат, Сўфизода, Ҳамза каби шоирларнинг маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини тўплайди. «Мунаввар қори Абдурашидхонов - деб ёзади Сирожиддин Аҳмад, - миллий матбуот тамал тошини қўйган журналистлардан биридир [2, 107-108]. У 1906 йил сентябрда «Хуршид» («Қуёш») жаридасини нашр этиб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу жаридда ўзбек халқининг кўзини очишга, фикрий уйғонишга, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишга

хизмат қилгани учун оқ пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилди.

Вақтли матбуот нашрларини ташкил этиш, уларда турли мавзудаги мақолалар билан иштирок этиш жараёнида Мунаввар қори ижтимоий қарашларининг негизи –халқ оммаси маънавиятига таъсир этиш, халқ онгини уйғотиш ва уни замонавий маънавий кадриятлардан бахраманд бўлишга чорлаш ётарди. Миллат маънавий кадриятлари, ахлоқий-эстетик тасаввурларининг софлиги ва истиқболини ўйлаш Мунаввар қори мақолаларида ёрқин ўз ифодасини топди. «Никоҳ тўғрисида» мақоласида миллий анъаналардаги айрим бидъат ва тараққиётга тўсиқ бўладиган жиҳатларнинг ижтимоий-маънавий илдизларини очиб беришга интилади.

Уламо ва умаролар орасидаги ҳаёт мазмунини фақат хотин олмоқ, кучук уриштирмоқ, бўзахўрлик, қиморбозлик ва баччабозлик билан шуғулланишни ота-боболаримиз удуми тарзида давом эттирмоқ иллатларини фож этди. Бундай миллат ва шариат шаънига мос тушмайдиган хунук одатлар, тараққиёт ва истиқболга кушанда бўлган кўникмаларни қоралайди.

Мунаввар қори миллат ҳаётидаги ҳақиқий ахлоқий-эстетик кадриятларга мос келмайдиган бундай бидъатларнинг асосий сабаби маърифатдан узоқлик эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун у биринчи навбатда мактабларни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тарафдори эди.

Мунаввар қорининг маърифатпарварлик ғоялари фақат мактаб ислоҳоти билан чегараланган эмас, у маънавий тараққиёт миллат тақдирини ифода этишини, миллий онг эса уйғонмай, дунёдаги маданий миллатлардан орқада қолиб кетилганини ачиниб қаламга олади. Чунки «Маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёж майллари учун энг ишончли суянчиқ ва муттақо (таянч) эттехоз (қабул) ўлинмиш ва уларда маданият қарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан» [4,26]. Бинобарин Мунаввар қори учун миллат ҳаётининг дастлабки ва асосий омили - мактабдир. Ана шу мактабни ислоҳ қилиш ва янги ўқув масканлари ташкил этиш ҳар бир миллатпарвар инсоннинг асосий маънавий эҳтиёжи эканлигини Мунаввар қори ҳам назарий, ҳам амалий исбот қилади.

Мунаввар қорининг бутун фаолияти миллат маънавиятини кўтаришга қаратилган эди. У мактаб очадими, дарсликлар нашр этадими, театр санъатига ҳомийлик қиладими, бу саъйи ҳаракатлар замирида миллат маънавияти истиқболи турди. Ҳатто Октябрь инқилобидан кейин ҳам унинг асосий ижтимоий фаолияти маориф ва маърифат тарқатиш соҳасида кечди. У 1918 йили май ойида Тошкентда «Турк ўчоғи» деб аталган илмий-маданий жамиятни ташкил этади. Бу жамият «Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия бермоқ, миллий урф-одатимизга мувофиқ суратда илм ва маърифатимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин бир турк маданияти вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизнинг руҳий ва жисмоний қувватини орттириш мақсадида» [5] тузилган эди. Бундай улуғ ниятини амалга оширишнинг ўша даврда мумкин бўлмаган ва аксинча, бу ғоялар учун унинг муаллифи «пантуркизм» тамғаси билан қораланганини тасаввур этиш қийин эмас.

Мунаввар қорининг ижтимоий-фалсафий қарашлари унинг дарсликларида, «Бизда ҳамият», “Тўғишганлик севгиси”, «Дев печак», «Қулликка қандай тушди?» сингари ҳикояларида, турли шеърларида ўз ифодасини топган. «Ўзбекистон адабиёти ва

санъати» газетасининг 1991 йил 26 апрель сонида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Сирожиддин Аҳмад нашрга тайёрлаган 6 та шеъри эълон қилинди. Бу шеърлар услубий равонлиги, содда, айна чоқда, самимийлиги ва халқчиллиги билан диққатга сазовор. Гарчи бу шеърлар Мунаввар қорининг поэтик салоҳияти ва образлар дунёси ҳақида тўлиқ тасаввур бермаса-да, маърифатпарвар алломанинг эстетик идеали ҳақида фикр юритишга имконият беради. Биринчи навбатда, шеърларнинг услубий равонлиги, изчил маърифатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ифода этишга қаратилгани сезилади. «Ялқовлик ёвумиздир» шеърида Мунаввар қори инсонни ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти меҳнат билан, ўз Ватанини гўзаллаштириш учун киши ўзини меҳнатдан олиб қочмаслиги, аксинча, меҳнатга муҳаббат қўйиши. Ялқовликни ташлаб, нодонликдан қутулиш учун меҳнат қилиши кераклигини уқтиради:

«...Танбалликдир бизга душман, ишламоқнинг замонидир,
Тиниб турмас «Ёшман» деган, иш инсоннинг бир жонидир...

....Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир,
Ёвга қарши курашмаслик – қўрқоқликдир, анқовликдир...» [5].

Мунаввар қори шеърларининг ғоявий-бадий фазилати халқчилликдадир. У биринчи навбатда тарбияланиши зарур бўлган «ёшман» деган инсонларни кўзда тутди ва уларга қарата хитоб қилади. Фақат меҳнат туфайлигина киши ғафлат уйқусидан уйғониши, Ватанини, ўлкасини ва ниҳоят ўзини гўзаллаштириш мумкинлигини тараннум этади. Унинг шеърлари гоҳ енгил юмор билан («Ўзи ҳам тор эди»), гоҳ бевосита инсон ахлоқий туйғуларига қаратилиши билан («Ҳар ким экканини ўрар»), гоҳ табиат манзаралари тасвири («Куз», «Қиш») билан йўғрилган. Халқнинг саводсиз болаларини тарбиялаш, уларда юксак ахлоқий, инсоний фазилатларни баркамол қилиш нияти шеърларнинг бадий тўқимасига сингдириб юборилган. Шу жиҳатдан бевосита ахлоқий мавзудаги «Ҳар ким экканини ўрар» шеъри ажралиб туради. Унда қадим-қадим замонлардан буён халқ орасида тарқалиб келаётган, афсонадай бўлиб кетган воқеа баллада тарзида баён этилади.

Мунаввар қори шарқона тафаккур тарзида ўзбекона тарбия воситаси орқали ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатни инсонни тарбияловчи ва уни улуғловчи томонга буриб юборади. Натижада ўқувчига кучли таъсир қила оладиган, ҳар бир одамзодни ўз ота-онаси қаршисидаги бурчи ва виждони поклигини кучайтирадиган тарбиявий-фалсафий асар яратишга муваффақ бўлади. Мунаввар қори Туркистон худудида, айниқса, Тошкент жадидлари орасида «устози калон» даражасида маърифатпарварлик ғояларини маърифий, бадий-эстетик йўсинда оммалаштирган буюк маданиятшунос алломалардан бири эди.

Адабиётлар:

1. Шовкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, "O'ZBEKISTON" нашриёти, 2021, Б.5
2. Сирожиддин Аҳмад. Мунаввар қори. Эссе. // Шарқ юлдузи. – 1992. - №5. - 105-бет.
3. Мўминжон Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. – Т.: - 961. 245 – бет.
4. Мунаввар қори. Жамият қандай очилур // Садои Туркистон. – 1914. - № 22, 26.
5. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Ялқовлик ёвумиздир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1991. – 26 апрель.